O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

УШБУ СОНДА:
2 Мурувват
3 Барқарор тараққиёт йўлида
4 Иш стажи
«Спецзаказ»чи қўлга тушди

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 16 (523) 2007 йил 24 апрель сешанба

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Навбатдаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Ипотека тўғрисидаги навбатдаги шартномада айни ўша мол-мулкнинг олдинги ипотекалари тўғрисидаги барча қайд ёзувлари ҳақида белги қўйилади.

Навбатдаги ипотека тўғрисидаги белги айни ўша мол-мулкнинг барча олдинги ипотекалари ҳақидаги қайд ёзувларига киритилади.

«ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 31-МОДДА

***Тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрни ва ролини давлатимизнинг дунё аҳлига яхши маълум бўлган, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларининг амалий самарасида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Ташқи сиёсатдаги ютуқларимизнинг асосини эса, мамлакатимизнинг халқаро майдонда олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсати ташкил этмоқда. Чунончи,* Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида*»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2007 йил 30 март куни маъқулланди. 2007 йил 3 апрелда эса матбуотда эълон қилинди.*

Qonunning mohiyati

ЕИҲ: Ҳамкорликнинг ойдин йўли

Дарҳақиқат, Ўзбекистон интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантиришга, минтақада умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси ҳақидаги Баённоманинг давлатимиз томонидан имзоланганини фикримизга далил сифатида келтириш ўринлидир.

Марказий Осиё ҳамкорлик Ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўла асосланган мантиқий қадам бўлди. Зеро, бу қадам ҳамжамиятнинг пировард мақсадларга эришиш йўлида мазкур икки ташкилот функциялари такрорланишини бартараф этган ҳолда, аъзо давлатлар саъй-ҳаракатлари ва воситаларини бирлаштиришга хизмат қилади.

Марказий Осиё ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг «Евроосиё минтақасида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори билан (Санкт-Петербург, 2005 йил 6 октябрь) Марказий Осиё ҳамкорлик Ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти унга аъзо давлатларнинг (Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон) умумий бозорини ташкил этиш, умумий божхона сиёсатини шакллантириш, ягона ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширадиган халқаро иқтисодий ташкилотдир.

МДҲ давлатлари Божхона иттифоқининг ҳуқуқий вориси бўлган мазкур ташкилот БМТ принциплари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда ташкил қилинган, қарорларни қабул қилиш ва уларни амалга оширишнинг қатъий механизмига эга тизимдир. У халқаро ҳуқуқ субъекти мақомига эга.

Ҳамжамиятнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- эркин савдо тартибини расмийлаштиришни тўлиқ ҳажмда тугатиш, ягона божхона тарифи ва тарифсиз бошқаришнинг ягона ўлчов тизимини ташкил этиш;
- товар ва хизматларни сотишнинг ва уларнинг ички бозорга киришининг умумий қоидаларини ўрнатиш;
- валюта бошқарувининг ва валюта назоратининг унификацияланган тартибини киритиш;
- божхона бошқарувининг умумий унификациялаштирилган тизимини ташкил этиш;
- қўшма ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти учун бир хил шароитлар яратиш;
- транспорт хизматининг умумий бозорини ва ягона транспорт тизимини шакллантириш;
- умумий энергетика бозорини шакллантириш;
- хорижий инвестициялар кириши учун тенг шароитлар яратиш;
- ҳамжамиятга аъзо давлатлар фуқароларига унинг ҳудудида билим ва тиббий ёрдам олишда тенг ҳуқуқлар бериш;
- миллий қонунчиликни яқинлаштириш ва уйғунлаштириш;
- ҳамжамият доирасида умумий ҳуқуқий маконни ташкил этиш мақсадида ЕИҲ давлатлар ҳуқуқий тизимларининг ўзаро таъсирини таъминлаш.
- Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг тузилмаси қуйидаги органлардан ташкил топган:

1. Давлатлараро Кенгаш ЕИҲнинг олий органи ҳисобланади. Унинг таркибига Келишувчи тарафларнинг давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари киради.

2. Интеграцион қўмита ЕИҲнинг доимий фаолият юритувчи органи ҳисобланади.

3. Парламентлараро Ассамблея — ЕИҲ доирасидаги Келишувчи томонларнинг миллий қонунчилигининг уйғунлашуви масалаларини кўриб чиқувчи ва уларнинг ҳамжамият вазифаларини бажариш мақсадида, ЕИҲ доирасида имзоланган шартномаларга мувофиқлаштирувчи парламентар ҳамкорлик органи ҳисобланади. Мазкур Ассамблея Келишувчи томонлар парламентлари томонидан юбориладиган парламент аъзоларидан шакллантирилади.

4. Ҳамжамият Суди — Келишувчи томонлар билан Шартноманинг ва бошқа ЕИҲ доирасида амалда бўлган ва ЕИҲ органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлайди.

5. ЕИҲ қошидаги доимий вакиллар қўмитаси.

6. Интеграцион кенгаш котибияти.

Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти доирасида қабул қилинган жами 285 та ҳужжатдан 148 таси мутахассислар томонидан ўрганилиб, натижалари Марказий Осиё ҳамкорлик Ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси масалалари бўйича Қўшма ишчи гуруҳининг мажлисларида Марказий Осиё ҳамкорлик Ташкилотининг миллий координаторлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти қошидаги аъзо давлатларнинг доимий вакиллари, экспертлар ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Интеграция Қўмитаси котибияти вакиллари иштирокида кўриб чиқилди. Бу мажлислар жараёнида кўриб чиқилаётган Баённоманинг лойиҳаси томонларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида қайта ишланди.

Олиб борилган ишларнинг натижаси сифатида Марказий Осиё ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Кенгашида (Минск 2006 йил 23 июнь) Марказий Осиё ҳамкорлик Ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисида Баённома имзоланди.

Баённома Муқаддима ва 6 моддадан иборат. Баённомани ратификация қилиш зарурати унга илова қилинган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган ҳужжатлар мавжудлигидан келиб чиқади.

Баённома Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, **«Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»**ги, **«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»**ги, **«Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»**ги Қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мос келади.

Хуллас, мазкур қонун ҳам мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган, фаол ва кенг кўламли халқаро ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратиб берадиган қонунлар жумласига киради. Дарвоқе, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва муҳим воситасидир.

Баҳодир ИСМАИЛОВ, Миравзал МИРАКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари

Tarixiy xotirasiz kelajak yo`q

Буюкликдан буюклик туғилиб келган доим...

Халқимиз Ватан тушунчасини муқаддас ҳисоблайди. Зеро, она Ватанимиз қанчадан-қанча буюк алломаларнинг бешигини тебратган ва улар кишилик жамияти тараққиётига салмоқли улаш қўшган. Айрим улуғ аждодларимиз дунёвий цивилизация талабидан келиб чиқиб, илм истаб, дунё кезган ва ўзлари туғилиб ўсган юртдан олисда ижод қилган. Уларнинг айримларига Ватанга қайтиш саодати насиб этган бўлса, айримларининг хоки туроби олис юртлар тупроғида қолиб кетган. Лекин дунёнинг қайси бурчида, қайси ўлкада яшамасинлар, улар Хоразмий, Бухорий, Беруний, Фарғоний, Термизий, Форобий, Насафий, Самарқандий деб аталиб, Ватан номини ғурур билан ўз исмларида олиб юрганлар. Ана шу исмлар билан жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган, Осиё ва Европада маълуму машҳур бўлган, шу мўътабар замин шарафига шараф қўшган. Хоразмий, Фарғоний, Форобий каби аждодларимиз номи Алгоритм, Алфраганус, Алфарабиус деб лотинча аталиши, улар яратган асарлар ҳамон ўрганилиши ва улуғ боболаримизга иззат-ҳурмат кўрсатилиши бунинг яққол далилидир.

Ўтган ҳафтанинг 17-19 апрель кунлари Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи доирасида икки давлат раҳбари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ўтган икки томонлама муносабат ва унинг бугунги аҳволи, истиқболлари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Албатта, ушбу ташрифнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятига соҳа мутахассислари юксак баҳо беришди.

Мен эса бир тарихчи олим сифатида мамлакатимиз раҳбарининг Миср Араб Республикасига ташрифи боис улуғ бобомиз Аҳмад Фарғоний ҳайкалининг очилишига алоқадор айрим фикрлар билдирмоқ истадим.

Тарихдан маълумки, азал-азалдан Ватанимизнинг Миср билан уйғун ва муштарак жиҳатлари жуда кўп. Чунки Шарқ мамлакатлари, жумладан, Мисрда ҳам маърифатли исломнинг қарор топишида, бунинг ижобий натижаси сифатида дунёвий фанларнинг шаклланиши ва ривожланишида Мовароуннаҳр мутафаккирларининг ҳиссаси беқиёс бўлган. Хусусан, 800-861 йилларда яшаб ижод қилган буюк ватандошимиз Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний эҳромлар юртида ҳеч унутилмас хайрли из қолдирган. У Нил дарёси сувини ўлчайдиган ўта ноёб иншоот – миқёсни кашф этган буюк алломадир. Беқиёс билим талаб этган, ўта аниқлик билан ишланган, илм оламида "Миқёси Нил" номи билан аталган ушбу ўлчагич-мосламадан ҳозир ҳам Миср зироатчилигида кенг фойдаланиб келинади.

"Миқёси Нил" бунёд этилган Рода оролида буюк ватандошимизнинг ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислом Каримов ўзбек заминида етишиб чиққан улуғ алломалар, жумладан, Аҳмад Фарғоний жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганини яна бир карра қайд этиб ўтди. Шу боис буюк аллома бобомиз таваллудининг 1200 йиллиги 1998 йилда ЮНЕСКО шаъфелигида, жаҳон миқёсида, жумладан, Мисрда ҳам кенг нишонланди. Чунки буюк қомусий олим IX асрдаёқ сайёрамизнинг диаметрини ҳисоблаб чиққан, дунёни қитъаларга, етти иқлимга бўлиб, аниқ-тиниқ шарҳлаб берган. Аҳмад Фарғонийнинг астрономияга оид тадқиқотлари бугун ҳам дунё олимлари учун асосий қўлланмалардан биридир.

Буюк бобомиз ҳақида 1998 йилда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов шундай деган эди:

"Бу буюк инсоннинг номи етти иқлимга маълум ва машҳурдир. Машриқ аҳли уни Фарғоний деб, Мағриб аҳли эса Алфраганус деб улуғлайди.

Бу буюк инсоннинг номи тарих зарварақларида Аристотель, Платон, Пифагор, Гален, Архимед, Гиппократ, Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Коперник, Улуғбек каби энг улуғ олимларнинг номлари билан бир қаторда зикр этилади.

Маълумки, IX асрда Бағдодда машҳур "Байт ул-ҳикма", яъни Маъмун академияси таъсис этилиб, ўз фаолиятини бошлади. Бу масканда Марказий Осиёнинг турли шаҳарларидан келган атоқли олимлар кўп йиллар давомида изчил фаолият олиб бориб, исломий цивилизация таъсирида Турон илмий ва маданий анъаналарини юнон ва Яқин Шарқ анъаналари билан жипслаштириб, сифат жиҳатидан бутунлай янги илмларга асос солдилар. Натижада кейинчалик Мусулмон Ренессанси деб аталмиш мутлақо янги ва беқиёс илмий ва маданий тараққиёт даври юзага келди.

Бу давр ибтидосида бизнинг ватандошимиз, бундан 1200 йил муқаддам гўзал Фарғонанинг Қубо (ҳозирги Қува) шаҳрида таваллуд топган Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Фарғонийнинг ҳам муборак номи борки, биз бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Фарғонийнинг илмий меросини фақатгина мусулмон Шарқи доираси билан чеклаш мумкин эмас. Унинг Европа ва бутун жаҳон олимларига бўлган таъсири, айниқса, беқиёсдир.

Тарихдан бир далолат борки, унинг ҳам мажозий, ҳам илмий аҳамиятини ҳеч ким инкор этолмайди. Италиялик Буюк шоири Данте Алигьери "Илоҳий комедия" асарини битган чоғида, Дўзах, Аъроф ва Жаннатни тасвир этар экан, уларни жойлаштиришда осмон харитасига асосланган экан. Улуғ шоирнинг ўзи гувоҳлик бериб ёзади: "Мен бунда Алфраганус илмига асосландим, демакки, бунда ёлғон йўқдир".

Христофор Колумб Испаниянинг Колумбино кутубхонасида сақланаётган бир дастхатида ўз саёҳатлари ва тадқиқотларида Фарғонийнинг илмий меросига таяниб иш кўрганини таъкидлаши бежиз эмас..."

Дарҳақиқат, буюк мутафаккир бобомизнинг илмий мероси билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Тарихий манбаларда унинг математика, астрономия, география, муҳандислик ва геодезия фанлари билан жиддий шуғулланган қайд этилади. Унинг бизгача етиб келган ва етиб келмаган асарларининг номлари далолат беришича, улар асосан астрономияга бағишланган. Буларнинг энг биринчиси ва энг машҳури манбаларда ўн ном билан қайд қилинган: "Илми нужум асослари ҳақида китоб" (Китаб фи усул илм ан-нужум), "Самовий ҳаракатлар ҳақида китоб ва илми нужум тўплами" (Китаб фи ҳаракат ас-самавиййа ва жавамиъ илм ан-нужум), "Ўттиз фасллик астрономия китоби" (Китаб ал-ҳайъа, ал-фусул ас-саласин), "Илми нужум ва самовий ҳаракатлар тўплами ҳақида китоб" (Китаб фи жавамиъ улум ан-нужум вал ҳаракат ас-самавиййа), "Илми нужум асослари ҳақида рисола" (Рисала фи усул илм ан-нужум), "Алмажастийга кириш фасллари, ўттиз фаслдан иборат" (Ал-фусул мадхал фи Мажисти ва ҳува саласуна фаслан), "Осмон фалакларининг иллати" (Илал ал-фалак), "Осмон фалакларининг тузилиши" (Таркиб ал-афлак), "Ал-мажистий", "Астраномия илми" (Илм ал-ҳайъа).

Бу асарларнинг қўлёзмалари ҳозир Амстердам (47), Бағдод (2959), Дублин (4114), Қоҳира (Миқот 944 47), Университет (310-311), Лейден (84185), Санкт-Петербург (В 3059/3), Москва (154/2), Оксфорд (I 879/1), Париж (2504/3), Принстон (Гарриет 967), Истанбул (Аё Суфия 2843/2, Жорулла 1279), Тунис (Миллиёт 02103/1) ва Фес (Зовия 56) шаҳарларида, биз кўрсатган рақамлар остида сақланади.

Биз мўътабар заминимизни оламжаҳонга машҳур этган алломалардан фақат бири ҳақида фикр юритдик, холос. Ва Аҳмад Фарғоний мисолида Ватанимизнинг ўтмиш тарихи ва маданиятига яна бир нигоҳ ташладик. Дунёга Аҳмад Фарғоний ва Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ва Мирзо Улуғбек каби ўлмас сиймоларни улғайтириб берган бу улуғ Ватан азалдан бой ва буюк маданиятга эга бўлганига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Дарҳақиқат, шоир айтганидек, буюкликдан буюклик туғилиб келган доим...

Ашраф АҲМЕДОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Adliya xabarlari

Сирдарё

Вилоятдаги муҳташам никоҳ тантаналари саройи — «Никоҳ уйи»да ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан «Оила — Ватаннинг суянган тоғи» номли байрам тадбири бўлиб ўтди.

Вилоят Адлия бошқармаси, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, Оила илмий-амалий маркази ва вилоят никоҳ саройи раҳбарияти билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбир шуниси билан аҳамиятлики, унга 50 йилдан кўпроқ бирга ҳаёт кечираётган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган оталар онахонлар таклиф этилдилар ва уларнинг олтин тўйлари нишонланди. Жумладан, вилоятда истиқомат қилувчи Аюб Ҳакимов ва Назаркул Абдукаримовлар оиласи шундайлар сирасига киради.

— Энахон билан турмуш қурганимизга 61 йил бўлди. Ҳозирда 13 фарзанд, 57 невара, 21 нафар чевараміз бор. Оилада, аввало, тотувлик, бир-бирига нисбатан ички ҳурмат бўлмоғи лозим. Ана шунда рўзғорда барака бўлади. Барака бор жойдан эса файз аримайди. Ёш келин-куёвлар шунга қаттиқ амал қилишса, кўша қариб, ували-жували бўлишдек бахт уларга насиб этади. 83 йиллик умрим давомида ана шунга амин бўлдим, — дейди тадбир меҳмонларидан бири Аюб Ҳакимов.

— Нуроний отахон ва онахонларнинг ибратли умр йўллари янги ҳаёт бўсағасида турган ёшларимизга мактаб вазифасини ҳам ўтайди. Қолаверса, умрнинг пасту баланд йўлларидан зийраклик ва собитқадамлик билан ўтишга ўргатади. Бундай тадбирлар ўтказилишининг моҳияти ҳам шу.

Кеча меҳмонларини қутлаш учун сўз олган вилоят никоҳ уйи мудираси Раъно Бобоеванинг юқоридаги сўзлари йиғилганларнинг дилидаги гап бўлди.

Вилоят адлия бошқармаси, Қизил ярим ой жамияти, вилоят болалар жамғармаси, вилоят «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан улашилган қимматбаҳо совғалар, билдирилган илиқ дил изҳорлари олтин тўй соҳиб ва соҳибаларига кўтаринки руҳ ва қувонч бағишлади.

Ўз мухбиримиз

Мамлакатимиздаги етакчи саноат корхоналаридан бири — «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамиятида «Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуманга Фуқаролик ишлари бўйича вилоят ҳамда хўжалик суди раҳбарлари, туман, шаҳар ҳокимликлари ҳуқуқшуносларі, вилоят корхона ва ташкилотларида фаолият кўрсатаётган юридик хизмат ходимлари, соҳа фахрийлари ҳамда тадбиркорлар, корхона ишчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги **«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»**ги 357-сонли қарорининг ижроси юзасидан Адлия вазирлиги масъул ходими Ш. Маҳмудовнинг маърузаси тингланди.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи М.Тилавовнинг Адлия бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисида»**ги Низоми юзасидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ахборотидан жойларда юридик хизматнинг яхши ташкил этилиши корхонада меҳнат самарадорлигини оширишда билан бир қаторда жамоада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни яратишга ҳам ёрдам бериши аён бўлди.

Тадбирда «Қизилқумцемент» корхонасида юридик хизматнинг яхши ташкил этилганлиги ҳамда корхона раҳбари, Олий Мажлис Сенатининг Суд ва ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, сенатор Р.Жуманиёзовнинг ишчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жамоа ишчи-хизматчилари томонидан кейинги даврда фуқаролик ишлари суди ёки хўжалик суди идораларига бирорта ҳам низоли мурожаатлар бўлмаганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

Навоий

Istiqlol va imkoniyat

Фермер — ислоҳотлар фаоли

Фермерчилик ҳаракати ижтимоий қатлам сифатида шаклланиб, республика иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутаётгани, бу соҳа вакиллари қишлоқда етакчи ислоҳотчи сифатида фаолият юритиб келаётгани кундалик ҳаётимиздаги ўзгаришлардан маълум. Тобора чирой очаётган қишлоқлар, ҳақиқий эгасини топган далаларда етиштирилаётган ҳосилдан уюлган хирмонларнинг юксак салмоғи, ҳалол ва фидокорона меҳнати эвазига турмуш тарзи юксалиб бораётган қишлоқ одамларининг кайфияти, эртанги кунга бўлган ишончи қишлоқ мулкдорларининг дадил ҳаракатлари самарасидир. Кейинги йилларда «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва бошқа шу соҳадаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ижтимоий ўзгаришлар ва мавжуд тажрибалардан келиб чиқиб қонунларни такомиллаштириш, фермерларга қўшимча имтиёз ҳамда енгилликлар яратиб бериш узлуксиз давом эттирилмоқда. Эндиликдаги асосий вазифа амалдаги қонунлар ижросини таъминлашдир.

Республика Президентининг 2004 йил 11 мартдаги **«Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони эълон қилинганидан сўнг қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари кучайтирилди. Хоразм вилояти прокуратура идоралари томонидан ҳам мазкур йўналишда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фермерчилик ҳаракати вилоятимизда республикада биринчилардан бўлиб Янгибозор тумани тўлиқ фермерлаштирилган даврдан бошланган эди. Бу тўғрида Президент Фармони эълон қилингач, янгибозорликлар якдиллик билан янгича шароитда ишлаш кўникмаларини ўзлаштира бошлашди. Қишлоқ хўжалиги туман иқтисодиётининг етакчи тармоғи, туман аҳолининг асосий даромад манбаи бўлса-да, мулкка муносабатнинг ёмонлиги, тадбиркорликка йўл берилмаслиги оқибатида иқтисодий ислоҳотларда самарадорликка эришиш қийин кечаётган эди. Илгарилари хусусий мулкка эга бўлмаган деҳқон берилган имкониятдан руҳланиб, меҳнатидан манфаат топишига ишониб ишлай бошлади. Янгибозорда 2002 йили пахтачиликда ўртача ҳосилдорлик 13,5 центнерни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб 29,1 центнерга етди. Деҳқоннинг манфаатдорлиги ҳам шунга яраша ўсди.

Республика хукуматининг қўллаб-қувватлаши ва Янгибозор тажрибасининг муваффақияти хоразмлик деҳқонларнинг ғайратига ғайрат қўшди. 2007 йилга келиб қишлоқ хўжалиги фойдаланувида бўлган ер майдонлари тўлиқ фермерлар ихтиёрига берилди. Ер майдонлари тендер танлови асосида ажратилди. Биринчи галда талабгорнинг тажрибаси, малакаси, ва албатта, иқтисодий аҳволи эътиборга олинди. Прокуратура идоралари томонидан ерни ҳақиқий эгаларига бериш, фермерлар сафида тасодифий одамларнинг бўлмаслиги учун қонунлар ижроси доимий назоратда бўлди. Ҳар бир контур камида икки-уч талабгор ўртасидан танланган ғолибга берилди.

Бугунги кунда вилоят фермерлари учун барча шарт-шароитлар ҳозирланган. Банк кредитлари вақтида ажратилаяпти. Минерал ўғит ва нефть маҳсулотлари дала бошига етказиб берилмоқда. Бу йилги ҳосилни етиштириш учун керак бўладиган минерал ўғит ва нефть маҳсулотларининг етарли заҳираси яратилган. Пахта етиштириш учун шўр ювиш, ерни ҳайдаш, экиш ва экинга агротехника тадбирлари асосида муддатида сифатли ишлов беришдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олиш, ҳосил учун ҳисоб-китоб жараёнлари тўлиқ прокуратура назоратида бўлиб, йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилмоқда.

Ўтган йили вилоят пахта тайёрлаш шартномавий режаси тўлиқ уддаланди. Минглаб фермерлар фидойи меҳнатлари эвазига манфаат топишди. Рўзғорлар бутланди, янгидан янги иншоотлар қурилди, ҳомийлик тадбирлари уюштирилди. Ўнлаб фермерлар янги техникалар сотиб олишди. Аммо айрим фермерлар ўз ишларига совуққон муносабатда бўлишлари оқибатида кутилган ҳосилни олишмади. Бундай фермер хўжаликларидан 143 таси ўз мурожаатлари, 221 таси хўжалик судларига киритилган даъво аризалари асосида тугатилди. Улар фойдаланувида бўлган ер майдонлари қайта танловга қўйилиб, тажрибали, уддабурон фермерларга берилиши таъминланди. Таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳамда банк кредитларидан бўлган 942,3 миллион сўмлик қарздорлик ихтиёрий равишда қопланган бўлса, 2020,9 миллион сўми хўжалик судига киритилган даъво аризалари асосида қаноатлантирилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидаги фермерчилик ҳаракати ҳақида билдирган қуйидаги сўзлари эътиборлидир: **«Бу ҳаракатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёс, унинг келажаги бор. Аммо бу соҳада ҳам турли камчиликлар, салбий ҳолатлар учраётганидан кўз юмиб бўлмайди. Фермерларга кенг йўл очиб бериш керак, айни вақтда уларга нисбатан талабни ҳам сусайтирмаслик лозим».**

Вилоят прокуратура идоралари томонидан жойларда шартнома интизоми билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги Қонун талабларини бузиб, ғалла топшириш режасини бажармаган фермерлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш натижасида 801 хўжаликдан 5178 тонна буғдой натурада ва 5,5 миллион сўм пул шаклида ихтиёрий равишда ундирилишига эришилди.

Қўшкўпир туманидаги «Машарип Карим» фермер хўжалиги тайёрлов корхонаси билан 8 гектар майдондан 17,4 тонна буғдой етказиб бериш тўғрисида контрактация шартномаси тузган. Аммо шартнома шартларини бажаришдан қасддан бўйин товлаб, «Хонқа дон маҳсулотлари» ОАЖга умуман буғдой топширмаган.

Хўжаликнинг кейинги йилларда фаолияти ўрганилганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари норматив кадастр баҳосидан сурункасига уч йил давомида паст бўлганлиги аниқланди. Тўпланган материаллар асосида ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ва фермер хўжалигини тугатиш юзасидан хўжалик судига даъво ариза киритилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Урганч туманидаги «Аҳмаджон инженер» фермер хўжалиги тайёрлов корхонаси билан давлат эҳтиёжлари учун 30 тонна пахта хомашёси етказиб бериш тўғрисида шартнома тузади. Лекин шартнома ижроси учун маъсул эканини унутиб қўяди. Пахта етиштириш учун берилган имтиёзли банк кредити, уруғлик, минерал ўғит ва нефть маҳсулотларини талон-торож қилиш йўли билан ўзлаштирилади. Оқибатда хўжалик раҳбари Б. Матқурбоновга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Таъкидлаш керакки, бу каби фермерлар сафига тасодифан адашиб кириб қолган, замон талаблари даражасида фаолият юритиш уқувига эга бўлмаганлар табиий равишда ўз ўринларини юрт манфаатини қадрлашни ва қадр топишни биладиган фермерларга бўшатиб беришмоқда.

Фермер фақат деҳқонгина эмас, балки қишлоқдаги фаол ислоҳотчи, маҳалла-кўйда етакчи бўлиши керак. У қишлоқ мулкдори сифатида овулу маҳаллалар ободлиги, эл фаровонлиги учун маъсулдир.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2007 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий привожланишнинг асосий кўрсаткичларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 5 фоизга ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилган. Хоразмлик деҳқонлар шундай мўлжал билан ерга уруғ қадамоқда. Уларнинг меҳнатлари самараси сифатида кузда улкан хирмон уюлишига шубҳа йўқ. Таъминотчи, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фермерга яқин елкадош бўлаётгани, қишлоқ хўжалигига оид қонунларнинг аниқ ижро этилиши прокуратура идоралари томонидан доимий назоратга олингани шундан далолатдир.

Иброҳим ДАВЛЕТОВ,
Хоразм вилоят прокурори биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда

Мурувват

у халқимизга бобомерос фазилатдир

Маълумки, 2007 йил Президентимиз томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат дастури ишлаб чиқилган эди. Мазкур Давлат дастурида кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногирон ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларга, меҳрибонлик ва фахрийлар уйларига турли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши асосий вазифалардан бири сифатида кўзда тутилган бўлса-да, аслида, республикамизда ижтимоий ҳимояни амалга ошириш бироз олдинроқ, яъни республикамиз давлат мустақиллигини қўлга киритган пайтларданоқ бошланган эди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган, кейинчалик дунё ҳамжамияти томонидан "ўзбек модели" дея эътироф этилган, бозор муносабатларига ўтишнинг машҳур беш тамойилидан бири айнан "кучли ижтимоий ҳимоя"га бағишланганлиги фикримиз исботидир.

Аслида ҳам кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, меҳнатга лаёқатсиз, ногирон шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш халқимизга хос бўлган фазилатлардан биридир. Азалдан халқимиз саховат-пешаликка, меҳр-оқибатга ҳурмат билан қараган ва уни улуғлаб келган. Хусусан, буюк саркарда бобомиз Амир Темур ҳам ўз мамлакати фуқароларига турли байрамлар арафасида совғалар улашганлиги, етим-есирлар, ногирон ва кўп болали оилаларга турли кўринишларда ижтимоий ёрдам кўрсатганлиги тариҳдан бизга маълум.

Қолаверса, бизда ҳеч бир халқ ҳаётида учрамайдиган тажриба — маҳалла анъаналари мавжудки, у ерда халқимизнинг энг азалий қадриятлари, анъана ва урф-одатлари, қўшничилик, меҳр-мурувват, саховат, бир-бирига ёрдам кўрсатиш каби юксак инсоний фазилатлар ҳамиша барҳаётдир.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури республиканинг айрим-айрим ҳудудларида ёки маҳаллаларда эмас, балки бутун давлат миқиёсида амалга оширилиши белгиланган. Бундан ташқари, Давлат дастуридан ўрин олган турли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тадбирлари кенгайтирилиб, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳалқимизга хос бўлган фазилатлардан биридир. Азалдан халқимиз саховат-пешаликка, меҳр-оқибатга ҳурмат билан қараган ва уни улуғлаб келган. Хусусан, буюк саркарда бобомиз Амир Темур ҳам ўз мамлакати фуқароларига турли байрамлар арафасида совғалар улашганлиги, етим-есирлар, ногирон ва кўп болали оилаларга турли кўринишларда ижтимоий ёрдам кўрсатганлиги тариҳдан бизга маълум.

Қолаверса, бизда ҳеч бир халқ ҳаётида учрамайдиган тажриба — маҳалла анъаналари мавжудки, у ерда халқимизнинг энг азалий қадриятлари, анъана ва урф-одатлари, қўшничилик, меҳр-мурувват, саховат, бир-бирига ёрдам кўрсатиш каби юксак инсоний фазилатлар ҳамиша барҳаётдир.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури республиканинг айрим-айрим ҳудудларида ёки маҳаллаларда эмас, балки бутун давлат миқиёсида амалга оширилиши белгиланган. Бундан ташқари, Давлат дастуридан ўрин олган турли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тадбирлари кенгайтирилиб, ижтимоий ёрдам кўрсатиш

фақат давлат томонидан эмас, балки мулк шаклларидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги айтиб ўтилган.

Шундай экан, бундай хайрли ишдан ҳеч ким четда туришни ўзига эп кўрмайди. Тошкент Давлат юридик институти жамоаси талабалари ҳам "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, институт оталиғидаги Тошкент шаҳри Юнусобод туманида жойлашган 31-сонли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳар доим институт устозлари, талабалари эътиборида. Турли байрамлар арафасида у ерда тарбия топаётган болажонларга институт томонидан совғалар улашиб келинади, байрам дастурхонлари ёзилади.

Шундай тадбирлардан бири 17 апрель куни Тошкент Давлат юридик институти 2-мутахассислик факультети томонидан амалга оширилди. Факультет деканати ва 2-курс талабалари ушбу меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 2 дона "LG" рангли телевизорини совға қилдилар.

Шунингдек, 2-мутахассислик факультети деканати ва талабалари 18 апрел куни С.Раҳимов туманида жойлашган Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига ташриф буюришиб у ерда яшаётган 2-жаҳон уруши қатнашчиларига совғалар улашдилар.

Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб ўтказилган тадбирлардан қалби ўксик, меҳрга зор болажонлар ва пансионат фахрийлари қалбига озгина бўлса-да шодлик улашилди. Болажонлар ҳам, пансионат фахрийлари ҳам албатта, атрофида яхши кунларда эслайдиган эзгу ниятли инсонлар борлигидан мамнун бўлишди... Албатта, биз бу билан қилинган ишлар мақтанмоқчи эмасмиз, балки мақсадимиз бошқа олий ўқув юртлари ва саховатли кишиларни ҳам бундай хайрли тадбирларни ўтказишга чорлашдан иборатдир. Зеро, ҳадисларда айтилганидек, яхши, хайрли, савоб ишларни қилишда бир-биримиздан ўзишимиз, бир-биримиз билан мусобақада бўлишимиз лозим.

С. БОБОҚУЛОВ,
юридик фанлари номзоди,
Б.АХМАДЖОНОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

Суратда: ***«ACARBO» текстил (Туркия) хорижий корхонаси.***

У 2005 йилда ишга туширилган. Корхонада 400 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Бир кунда 3 мингтагача кийим-бош тайёрланади. Корхонада ишчи ва ходимларнинг малакасини ошириш учун мутахассислар томонидан доимий равишда ўқув машғулотлари ўтказиб борилади.

Корхонада ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар қатор хорижий мамлакатларга экспорт қилинади.

Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат

Qonun ko`magi

Тикланган даъво муддати

қонун устуворлигини кўрсатади

Ҳаёт тасодифларга тўла. Эртага нима бўлишини билиб бўлмайди. Арнасой туманида яшовчи фуқаро С.Қобилбеков ҳам ҳаётнинг кутилмаган зарбасига дуч келди. У 1999 йилда автоҳалокатга учраб, 2004 йилга қадар тўшакка михланиб қолди. Оқибатда эса... Келинг, гап нимада эканлигини билиш учун унинг вилоят адлия бошқармасига ёзган аризасини ҳукмингизга ҳавола қиламиз.

— Мен 1998 йилнинг 8 августидан Мирзачўл тумани «Деҳқон ва буюм бозори»да раис бўлиб ишлаганман. Бозор қошида янги очилган «Харид савдо» бўлимини ривожлантириш учун АТ «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлимидан бир миллион сўм кредит маблағи олган эдим. Ушбу пулни Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани тайёрлов савдо уюшмаси ҳисоб рақамига ўтказиб, 14 тонна гуруч келтирдим. Жиззах туманлараро ишлаб чиқариш таъминот савдо ҳиссадорлик жамияти билан ўртамизда шартнома бор эди. Гуруч билан бирга ўзимга тегишли мулк — 1784 дона фуфайкани ҳам қўшиб, 3 миллион 114 минг 867 сўмлик товарни ушбу жамиятга бердик. 1998 йилнинг октябрь ойида ушбу товарлар жамият бошлиғи Б.Санақуловнинг номига берилган ишонч қоғозига асосан чиқим қилинди.

Бироқ ҳамкоримиз шартномада белгиланган сумманинг бир сўмини ҳам тўлаб бермади. Биз эса товар қийматини вақтида ололмасдан, бошқалардан қарз бўлиб қолдик. Банкдан олинган бир миллион сўм кредит пул-товар айланмасидан чиқиб қолиб, бошқа маблағлар ҳисобидан банкка қайтариб тўланганлиги сабабли, устимдан жиноий иш қўзғатилди, суд тартибида жаримага тортилдим.

Аслида биз олишимиз керак бўлган маблағнинг 2 миллион 294 минг 824 сўми фуфайкаларнинг пули эди. Пулни олиш учун Жиззах туманлараро ишлаб чиқариш таъминот савдо ҳиссадорлик жамиятига бордим. У ердагилар Мирзачўл туман «Деҳқон ва буюм бозори» билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинганлигини айтишиб, 2001 йилнинг 1 ноябрида бу ҳақда тузилган солиштирма далолатномадан нусха беришди. Бу кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас. Менга масалани қонуний ечишда ёрдам берсангиз...

Адлия бошқармаси С.Қобилбековнинг аризасини ўрганиб чиқди. Текширишлар натижасида С.Қобилбековга тегишли шахсий мулкнинг пули «Деҳқон ва буюм бозори» ҳисоб рақамига тушгани ва бозор маъмурияти бундан фойдаланиб келаётганлиги аниқланди. Адлия бошқармаси С.Қобилбековнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суд С.Қобилбеков фойдасига Мирзачўл туман «Деҳқон ва буюм бозори» маъмурияти ҳисобидан 14 миллион 272 минг сўм ундириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, жавобгар ҳисобидан давлат фойдасига ҳам 2 миллион 854 минг 400 сўм давлат божи ундириладиган бўлди.

Табиийки, ҳеч ким осонликча ён бергиси келмайди. Жумладан, жавобгар томон ҳам масаланинг жиддийлигини кўриб, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига кассация шикояти берди. Судлов ҳайъати келтирилган важларни таҳлил этиб, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақида ажрим чиқарди.

Қонун — инсон манфаатини муҳофаза этишга, фуқаронинг мол-мулки дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Биз келтирган мисол ҳам қонун устуворлигининг яна бир ёркин исботидир.

Саидкул ШУКУРОВ,
Носир МАЖИДОВ,
Жиззах вилояти

Жойларда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш самарали ташкил этилаётир. Жумладан, Навоий электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамиятида истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтган дебиторлик қарзи ҳисобидан 1.597.739 сўм ўрнига 1.916.981 сўм қарз ундириб, 2006 йилнинг 9 ойлик режаси 120 фоизга бажарилди. Бироқ шунга қарамай, вилоятда электр энергиясидан фойдаланиб, қарзини тўлашни пайсалга солаётганлар сони камаймаётир.

Dakki

Нур ўғрилари

ёхуд электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётган айрим корхона ва тадбиркорлар хусусида

Аввалари уй-жойдан фойдаланиш идоралари коммунал тўловларни вақтида тўламаган фуқароларнинг хонадонларини электр тармоғидан узиб қўйиш усулини қўллар ва бу қарзларни тўлатишнинг оддий механизми ҳисобланарди. Аммо бу тажрибани улкан салоҳиятга эга корхоналарга қўллаганда нафақат ўша корхонага, балки давлатга ҳам катта миқдорда моддий зарар етказилиши маълум. Бунга эса, асло йўл қўйиб бўлмайди. Хўш, унда қандай йўл тутиш керак?

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида, тўлов муддати ўтган қарзларни йиғиш ва юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағларнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш вазифаси солиқ идоралари зиммасига юклатилган.

Дарҳақиқат, мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бераётир. Жумладан, жорий йилнинг январь ҳолатига кўра, жами дебиторлик қарзи 342.946 миллион сўмга, муддати ўтган дебитор қарзи эса, 594.444 миллион сўмга камайгани шундан далолат беради.

Навоий вилоят давлат солиқ бошқармаси маълумотларига кўра, солиқ идоралари томонидан муддати ўтган дебиторлик қарзларига йўл қўйган корхоналар бўйича 75 марта реестр тақдим этилган. 568 та корхонанинг 433.135 миллион сўм муддати ўтган дебиторлик қарзи бор эди. Солиқчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан

уларнинг 298 тасидан 26.845 миллион сўмлик қарз ундирилган. Қолган 270 та корхонанинг 406.650 миллион сўмлик муддати ўтган дебитор қарзини мол-мулки ҳисобидан ундириш чораларини кўриш суд департаменти томонидан ижрога қаратилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар ва туман давлат солиқ инспекциялари томонидан 305 та ҳужжатли ва қисқа муддатли текширишларнинг 29 тасида 98.417 минг сўмлик электр энергиясини ноқонуний истеъмол қилингани ҳолати аниқланди. Оқибатда 16 нафар мансабдор шахс жарима тўлашга мажбур бўлди. Шунингдек, солиқ идоралари томонидан август-сентябрь ойларида ўтказилган рейдлар давомида айрим тадбиркорларнинг электр энергиясини ўғирлаш билан шуғулланишаётгани аён бўлди. Хусусан, ноқонуний йўллар билан давлат мулкига хиёнат қилаётган тадбиркорлар Хуршид Саноев, Садриддин Ҳафизов, Рўзи Ҳосилов, Бахтиёр Исмоилов, Сойиб Маърупов, Фармон Ҳожиев ва Биродар Дониёровнинг савдо дўкони ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш нуқталарида электр ҳисоблагич ўрнатмасдан, катта миқдордаги электр энергиясидан ўғринча фойдаланган аниқланиб, бу ноқонуний ҳаракатлар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга маълум қилинди. Қонунбузарлар эса қилмишига яраша жазосини олиши тайин. Бундай ҳолатлар мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишини инобатга оладиган бўлсак, электр ўғриларига бериладиган жазо адолатли бўлиши лозим. Зеро, электр нури ҳам сув ва ҳаводек қимматли неъматки, уни асраш, тежаш фаровонлигимизни таъминлайди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Xabar

Фаоллик кафолати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг шу йил 29-30 март кунлари ўтказилган тўққизинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунлар ва қарорларни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш, тарғиб-ташвиқ қилиш юзасидан Хоразм вилоятида туркум анжуманлар уюштирилди. Мазкур тадбирлар Олий Мажлис Сенати ва вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган тарғибот-ташвиқот тадбирида Олий Мажлис Сенати мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси М.Усмонов мазкур қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият бошқаруви, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини юксалтиришдаги аҳамияти, ўрни ва роли хусусида батафсил гапириб берди.

Мамлакат Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси доирасида таклиф этилган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатида маъқулланиб, қабул қилинган учта оламшумул конституциявий ҳужжат **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш», «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонунлари хусусида атрофлича сўз юритилди. Мазкур қонунлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта тарихий воқеа, давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш, бу жараёнда сиёсий партиялар ва кенг жамоатчиликнинг фаоллигини ошириш гарови эканлиги таъкидланди.

Олий мажлис Сенати аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, жамиятшунос олимлар, тарғиботчилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этган бундай анжуманлар Хива туман ҳокимлиги, ал Хоразмий номидаги Урганч Давлат университетида ҳам бўлиб ўтди.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Islohot va mas`uliyat

Барқарор тараққиёт йўлида

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартирди. Жамиятимизда тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик тўла қарор топди, давлатчилигимиз мустаҳкамланди, юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ортди, инсон эрки ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди. Бу улуғвор ютуқлар замирида ана шу даврда пухта ўйлаб, изчил давом эттирилган ислоҳотларнинг самаралари бугун бўй кўрсатаётир.

Қайси соҳада бўлмасин, ўзгариш ва янгиланишга қўл уриларкан, аввало, бунинг қонуний асослари талаб этилади. Шу маънода, ислоҳотларнинг қонуний негизларини яратишни адлия органларининг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зотан, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашда ягона давлат сиёсатини юритиш адлия органларининг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳозирги даврда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини қуришдек давлатимизнинг стратегик мақсадини амалга оширишда адлия органларининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Яқинда бўлиб ўтган Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилишида жорий йилнинг биринчи чорагида адлия органлари ва муассасалари ходимлари фаолияти сарҳисоб қилиниб, келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Маълумки, 2007 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз иқтисодиётнинг барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсишини таъминлаш, энг муҳим тармоқларни таркибий жиҳатдан янада ўзгартириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай муҳит яратиш, хусусий мулкчиликни мустаҳкамлашга доир қонунчиликни янада такомиллаштириш лозимлиги муҳим устувор йўналиш экани алоҳида таъкидланди.

Белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2007 йилнинг 1-чорагида Адлия вазирлиги томонидан 27 та қонун лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 51 та ва ҳукуматнинг 81 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари кўрилиб, уларга ҳуқуқий экспертиза хулосалари берилди. Бевосита вазирлик томонидан 12 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармон ва 3 та қарори ҳамда ҳукуматнинг 7 та қарор лойиҳалари ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Жумладан, **"Рухсат бериш тартиби тўғрисида"**ги ва **"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунлар, шунингдек, давлат назорат органлари ходимларининг корхоналар ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувларини маъмурий ва суд тартибида жазолашни кучайтириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ҳукуматга тақдим этилди. **"Бизнеснинг ихтиёрий ёпилиши ва тугатилиш тартиби тўғрисида"** Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлигининг ҳаракат дастурида белгиланган **"Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларини аҳоли ва ижрочиларга етказишдаги айрим муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича"** таҳлилий маълумотлар, шунингдек, **"Қонунлардаги ҳаволаки нормаларни амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш режаларини тасдиқлаш тўғрисида"** 80 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни назарда тутувчи қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 44 та манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилди.

Вазирликка тақдим этилган идоравий-норматив ҳужжатлардан 57 таси давлат рўйхатидан ўтказилди, 28 таси эса, амалдаги қонунчиликка зид бўлгани боис, давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида рад этилди.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш мақсадида ҳамда давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда, ижрога юборилган ноқонуний ҳужжатларни чақиртириб олиш юзасидан жами 17 та тақдимнома киритилди. Бу борада, айни пайтда, қатъи белгиланган ягона тизим яратилди. Идоравий-норматив ҳужжатларнинг ўзбек тилида тайёрланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган матни асос учун қабул қилинадиган бўлди. 105 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олинган бўлиб, қонун ҳужжатларини назорат ҳолатига келтириш мақсадида расмий нашрлардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга 390 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида белгилар қўйилди.

Ўтган ҳисобот даври давомида **"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"**нинг 14 та сони, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси"**нинг 2006 йил учун Алфавит-предмети кўрсаткичи ҳамда 2 та сони нашрга тайёрланиб, чоп этишга топширилди. Бундан ташқари, 30 минг дона "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" чоп этилиб тарқатилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг миллий базасини яратиш якунига етказилди. Ҳозир бу базадан интернет ва техникавий алоқалар орқали уланган ҳолда фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастурининг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантиришга оид қисми мониторинг қилинганда, қабул қилиниши лозим бўлган 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатдан 7 таси қабул қилинмагани аниқланди. Шунингдек, ҳукуматнинг 2006 йил 2-ярим йилига, шунингдек, 2007 йилнинг 1-чорагига режалаштирилган қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳукуматга киритиш амалиёти мониторинг қилиниб, натижалар Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва ҳокимликларда **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги"** қонуннинг қўлланилиши амалиёти юзасидан мониторинг ўтказилиб, умумлашмалар Президент девонига тақдим этилди. Шунингдек, **"Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури"**нинг тегишли банди ижроси юзасидан мониторинг ўтказилиб, натижалар Олий Мажлис Сенатига тақдим этилди.

Вазирлик томонидан 85 та халқаро шартномалар юзасидан ҳуқуқий хулосалар берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25 тага кўпдир.

Қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва кенг жамоатчиликка уларнинг туб моҳияти ва мақсадларини етказиш, аҳолининг, айниқса, туман марказларидан йироқ қишлоқ ва овуллар аҳолисининг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида жойларда 10 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Ҳисобот даври мобайнида вазирлик қошидаги Республика юристлар малакасини ошириш марказида 22 та гуруҳда жами 539 нафар тингловчи, яъни суд, адлия ва ҳўжалик юритувчи субъектлардаги юристлар малака оширишди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробарга ортган.

Ўқув муассасалари фаолиятлари Адлия вазирлигининг иш режасига асосан ўрганиб чиқилмоқда. Ўрганишлар натижалари вазирликнинг ҳайъат мажлисларида алоҳида муҳокама қилинмоқда.

Адлия органлари ва муассасаларига ўтган 3 ой давомида 22 мингдан ортиқ хат ва ҳужжатлар келиб тушган. Шундан 14 мингга яқини ёки 62 фоизи қаноатлантирилди. Фуқаролардан, тадбиркор ва хорижий инвесторлардан, шунингдек, шартнома интизомига риоя этиш масаласида адлия ораганлари ва муассасаларига жами 5 мингга яқин ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 53 фоизга яқини ўз тасдиғини топди ва мурожаат этганларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бевосита адлия органлари ва муассасаларининг ташаббуси билан 1410 та хат ва ҳужжатлар тайёрланиб, тегишли жойларга юборилди.

Ишонч телефонларига 441 та мурожаат келиб тушган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 62 тага кўп. Шундан 235 таси, яъни 53,2 фоизи асосли деб топилиб, мурожаат этганларнинг ҳуқуқлари тикланди, қаноатлантириш даражаси 10 фоизга ортди. 204 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Жойларда қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш ҳамда тадбиркорлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда асосий эътибор уларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида, тақдимномалар киритиш орқали тўлиқ тиклаш, қонунбузилишида айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб бериш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида адлия органларининг ташаббуси билан судларга 10,3 миллиард сўмлик 4466 та даъво аризаси киритилган бўлиб, шундан 4,5 миллиард сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилди. Қолган даъво аризалар судлар томонидан кўрилмоқда.

Тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш мақсадида ҳисобот даврида адлия органлари томонидан 1197 та тақдимнома (*ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124 тага ошган*), 838 та огоҳнома *(244 тага ошган)* ва 183 та кўрсатма *(111 тага ошган)* киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 1300 нафар мансабдор шахс интизомий *(374 тага ошган)* жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 87 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди *(32 тага ошган)*. Кўрилган чоралар асосида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқарув идораларининг ноқонуний қабул қилган 332 та қарори бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди (340 тага камайган).

Адлия идораларининг 192 та таклифларига *(44 тага ошган)* асосан, 80 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, қонунбузилиш ҳолатларини содир этган мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган 50 та таклиф *(23 тага камайган)* асосида 20 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Президентимизнинг 2007 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида сўзлаган маърузасидан келиб чиққан ҳолда, Суд департаменти фаолиятидаги камчиликларни бартараф этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, суд департаменти ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ушбу тадбирлар ижроси учун шахсан масъуллиги белгиланди.

Суд департаменти фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашда бирмунча ижобий ўзгаришларга эришилди. 2006 йилнинг 1-чораги давомида суд ижрочилари иш юритувидаги 498,3 мингта ижро ҳужжатларидан 214,2 мингтаси ёки 43 фоизининг ижроси якунланган бўлса, 2007 йилнинг шу даврида иш юритувидаги 567,2 мингта ижро ҳужжатларининг 276,9 мингтаси ёки 48,9 фоизининг ижроси ниҳоясига етказилди. Ижро ҳужжатлари бўйича амалда ундирув 319,1 миллиард сўмни ташкил қилиб, 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 123,4 миллиард сўмга кўпайди.

Судларнинг моддий-техника таъминоти сезиларли даражада яхшиланди. Улар учун 6 та бино, 3 та автотранспорт воситалари сотиб олинди, 28 та суд биноларида қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Давлат нотариал идоралари томонидан 2007 йилнинг 1-чораги давомида жами 473 мингдан ортиқ нотариал ҳаракатлар амалга оширилган бўлиб, бу кўрсаткич 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 19,5 фоизга ортган, хусусий нотариуслар томонидан 376 мингдан ортиқ нотариал ҳаракатлар бажарилган. Бу кўрсаткич 25,9 фоизга ортди. Гувоҳлантирилган нотариал ҳаракатлар учун жами 8,2 миллиард сўмга яқин миқдорда давлат божи ундирилди.

Республикада фаолият кўрсатаётган ФҲДЁ органлари томонидан 2007 йилнинг 1-чораги давомида 137550 та туғилганлик, 47071 та никоҳ тузилганлиги, 39794 та ўлим, ва 1361 та никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзувлари қайд этилди. Шу билан бирга, 16196 та оталикни белгилаш, 789 та фарзандликка олиш, 2348 та фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ҳаракатлари расмийлаштирилди. Ушбу ҳаракатлар учун 234 миллиард сўм давлат божи, 567 миллион сўм миқдорда герб йиғими ундирилган ва 331 миллион сўмлик пуллик ҳуқуқий хизмат кўрсатилган.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги **"Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг ҳисоботи илк бор Адлия вазирлигининг ҳайъат йиғилишида муҳокама этилди.

Вазирлик олдида турган муҳим масалалардан бири бўлган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ёрдам кўрсатишда ташаббускорликни кучайтириш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Адлия вазирлигининг Давлат дастурининг ижроси юзасидан тадбирлар, ҳуқуқий тарғибот ишлари режаси, Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича 2007-2008 йилларда амалга ошириладиган тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди ва уларнинг ижроси таъминланмоқда. Хусусан, биргина қонун ижодкорлиги соҳасида 7 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, шундан 2 таси қабул қилинди. Президентимизнинг 1 та Фармони ва 1 та Қарори қабул қилинди. Болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича 281 маротаба оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинди.

Адлия вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи органлар Дастурда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлашда ўз масъулликларини теран ҳис этган ҳолда иш юритмоқда. Бу вазифалар орасида, айниқса, қонун ижодкорлиги билан боғлиқ ишлар биздан изчиллик ва фаолликни талаб этади. Зеро, ўз вақтида ва талаб даражасида амалга оширилган ижодкорона меҳнат жамиятда қонунчиликнинг такомиллашувига, қонун устуворлигини таъминлашга имкон яратади. Мамлакатимиз бўйлаб барча соҳаларни қамраб олган туб ислоҳотлар жараёни ҳар биримиздан фидойилик кўрсатишни талаб этади.

Абдуҳалим АҲМЕДОВ,
Адлия вазирининг биринчи ўринбосари

ЭЪЛОН!

"Ишонч телефони"

Адлия вазирлигининг "Ишонч телефони"га ҳар қандай ҳуқуқий тушунтириш ва қонунбузилиш ҳолати юзасидан қўнғироқ қилишингиз мумкин. Сизга Адлия вазирлигининг малакали мутахассислари тегишли тавсиялар беради ва ёрдам кўрсатади.

Мурожаат учун телефонлар:
008,(8-371)136-05-09, 133-10-14.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(2007 йил 14 апрелдан 20 апрель ҳолатига)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 23 мартдаги М-25-сонли буйруғи.*

2007 йил 14 апрелда 402-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 апрелдан кучга киради).

2. "Ўзбекистон Республикаси жанубий-ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2007 йил 16 мартдаги 01-02/20-9, ЭГ-01/10-1447, П-2-сонли қарори.*

2007 йил 14 апрелда 1674-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 апрелдан кучга киради).

3. "Биржа савдосида иштирок этиш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 7 мартдаги 01/19-18/07-сонли қарори.*

2007 йил 14 апрелда 1241-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 апрелдан кучга киради).

4. "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 13 мартдаги 30, 288-В-сонли қарори.*

2007 йил 14 апрелда 1675-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. "УзПЕК Лимитед" компанияси ва унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестициялар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маркази томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1057, 30.07.2001 й).*

Адлия вазирининг 2007 йил 14 апрелдаги 70-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом (янги таҳрир) *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1508, 11.08.2005 й).*

Адлия вазирининг 2007 йил 14 апрелдаги 72-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Телекоммуникация операторлари тўғрисида Вақтинчалик низом, Идоравий телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 376, 12.12.1997 й, рўйхат рақами 617, 02.02.1999 й.).*

Адлия вазирининг 2007 йил 19 апрелдаги 73-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 19 апрелда 376-1, 617-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 апрелдан кучга киради).

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди:

1. "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси бошлиғининг "Янгидан қурилган ва реконструкция қилинган объектларнинг электр энергия таъминоти лойиҳаларини "Ўздавэнергоназорат" инспекциясида экспертиза қилиш тартиби" 2006 йил 31 августдаги 139-сонли буйруғи.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Jamiyatimiz maqsadi

Ҳуқуқий тафаккур асоси

Аҳолининг айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтиришда тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 15 январда тасдиқланган **"Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш чора-тадбирлари Дастури"** бўйича Адлия Вазирлигининг тармоқ Дастури ижросини таъминлаш борасида Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳам бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Унинг мақсади воягa етмаганларнинг ҳуқуқий билим ва тафаккурини ошириш, уларда қонун устуворлиги тушунчаларини шакллантириш баробарида, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Вилоят адлия бошқармаси ва унинг қуйи тизим идоралари ходимлари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида туман ва шаҳар ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг ўқувчи ва ўқитувчилари билан 112 маротаба ўқув машғулотлари, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

Мазкур тадбирларда, ўқувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олиб, ҳуқуқий билимларини янада бойитиб бормоқда.

Масалан, яқинда Қуйичирчиқ тумани Дўстобод шаҳарчасидаги 11-сонли мактабда бошқарма ходимлари томонидан **"Ижтимоий ҳимоя йили давлат Дастури"** ва **"Болалар ҳуқуқлари"** мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Шунингдек, 2007 йил 16 мартда Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи талабалари билан **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — бахтимиз қомуси"** мавзуида ўтказилган давра суҳбатида Бош қомусимиз ва у асосида қабул қилинаётган Конституциявий қонунларнинг мазмун-моҳияти кенг ёритилди. Иштирокчиларга ҳуқуқ тизимида давом этаётган ислоҳотлар жараёни ҳақида етарли маълумотлар берилди.

Мамлакатимизда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Адлия вазирлигининг 2007-2008 йилларда амалга ошиладиган тармоқ Дастури бўйича болаларга кўрсатилаётган таълим, тиббий, ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик хизматлар ҳамда болалар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш каби тарғибот ишлари узлуксиз амалга ошириб келинмоқда.

Ёшлар билан ўтказилаётган ҳар бир тадбир ўзига хос мақсадга эга бўлиб, уларнинг ҳуқуқий билим ва тафаккурларини янада оширишга, мамлакатимиздаги қонун устуворлигини таъминлашга ҳамда баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшишга йўналтирилган.

Азамат КАРИМОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедраси бўйича доцент — 1 нафар;
2. «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси бўйича доцент — 1 нафар;
3. «Халқаро хусусий ҳуқуқ» кафедраси бўйича профессор — 1 нафар, доцент — 1 нафар;
4. «Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи» кафедраси бўйича доцент - 1 нафар;
5. «Жиноят ҳуқуқи ва криминология» кафедраси бўйича профессор — 1 нафар, ўқитувчи — 1 нафар;
6. «Жиноят процесси» кафедраси бўйича катта ўқитувчиси — 1 нафар;
7. «Факультетлараро ижтимоий гуманитар фанлар» кафедраси бўйича доцент — 1 нафар;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари.
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй 19-хона, 40-хона.
Телефон: 136-09-39, 133-48-66.

Навоий вилоят Адлия бошқармаси томонидан 1999 йил 11 январда берилган NV 000027 рақамли Нурота туман давлат нотариал идораси нотариуси Мерганов Фарходнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши уч ой муддатга тўхтатилганлигини маълум қилинади.

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Сирғали туман 1-сон давлат нотариал идора нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёки уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Тошкент шаҳар адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 169-14-45.

Huquqiy savodxonlik sari

Иш стажи

унга қандай меҳнат фаолияти турлари қўшиб ҳисобланади?

Ўзбекистон Республикасининг **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонуннинг 37-моддасига кўра, қуйидаги меҳнат фаолияти турлари иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган бўлса.

— 1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра, жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги ва ички ишлар идораларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа идоралари ва тоғ-конқутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан, якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият - Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактабларида ва курсларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш;

ж) онанинг (ўгай онанинг) болаларини (ўгай ўғилларини, ўгай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммаси жамланганда, 6 йил доирасида;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапорщикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

к) чўпонлар хотинларининг ишга жойлашиш имконияти бўлмаган яйловларда эри билан бирга яшаган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

«е»-«к» бандларида назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а»-«г» бандларида кўрсатиб ўтилган умумий стаж камида 5 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига «е»-«к» бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а»-«г» бандларида кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади.

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиргонлигида бўлган вақт ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганда стажга қўшиб ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди.

Ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш ҳам ота, ҳам онанинг умумий иш стажига қараб, ушбу Қонуннинг 27-моддаси, «г» бандида кўрсатиб ўтилган миқдорда амалга оширилади.

Эргаш САЙИТОВ,
Адлия вазирлиги ходими

Мустақиллик йилларида хусусий бизнес субъектларини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Айниқса, соҳани қўллаб-қувватлайдиган иқтисодий базаларнинг мавжудлиги уларнинг жадал суръатларда ривожланишига омил бўлаётир. Айни пайтдаги долзарб вазифа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилашдан иборатдир. Биз ўз фаолиятимизда ана шу вазифаларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда уларга тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида вилоят ҳудудида — Косон, Қамаши, Яккабоғ, Муборак, Ғузор, Шаҳрисабз, Деҳқонобод туманларида ҳамда Қарши шаҳрида минибанклар фаолият юритаётир. Шунингдек, яна саккизта махсус кассалар мижозлар хизматида. Қўшимча тарзда шу йилнинг иккинчи чорагида Шаҳрисабз туманида минибанк филиалини очишни режалаштирганмиз.

Faoliyat

Мезон — мижоз ишончи

Фаолият кўрсатаётган барча шохобчаларимизда банк хизмати замонавий талаблар даражасида ташкил этилгани ютуқларга омил бўлаётир. Ўтган 2006 йил филиалимиз учун омадли келди. Омонатчилар сони бир йилда 861 минг кишидан 1300 нафарга, яъни 52 фоизга ўсди. Янги омонат турларига аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишга эришдик. Хусусан, «Умид», «Соғлом келажак», «Олтин куз», «Табассум», «Саховат» каби омонат турларига аҳолининг қизиқиши ортмоқда.

2004-2006 йиллар давомида нақд пул тушуми 10 фоиздан 30 фоизгача кўпайди. 2004 йил давомида банк кассасига тушган нақд пул миқдори бир ойда ўртача 1245,1 миллион сўмни ташкил қилган этса, 2006 йилда бу кўрсаткич бир ойда ўртача 18541,5 миллион сўмни ташкил этди. Банк филиали кассасига кирим қилинган пул маблағларининг 15377,5 миллион сўми биринчи даражали ижтимоий тўловларга тўланди.

Ўтган йили филиалимиз томонидан пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида вилоят ҳудудидаги 63 та савдо шохобчасида терминаллар ўрнатилди. Шунингдек, муомалага киритилган пластик карточкалар сони 10.000 тага етказилди. Жорий йилда терминаллар ва пластик карточкалар сони янада кўпайиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига мувофиқ, банкимиз деҳқон ва фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, филиалимиз томонидан ҳам фермерларга пахта ва ғалла етиштириш харажатлари учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Банк томонидан иқтисодиётга йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ҳам ортди. Банк даромадлари, нақд пул тушумини кўпайтириш ҳамда аҳолининг истеъмол кредитига бўлган эҳтиёжини қондириш масқадида 2000,0 миллион сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Бу каби самара келтираётган ишларимиз юқори ташкилотлар томонидан рағбатлантирилаётир. Яқинда филиалимизга «Матиз» русумли автомашина ажратилди.

Юртбошимиз томонидан 2007 йил Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилинган. Жорий йилда жамоамиз ҳам хайрли ишлар, эзгу амалларга бош қўшаётир. Шу йилнинг биринчи чорагида филиалимиз ҳисобидан 400 минг сўм маблағ ажратилиб, кам таъминланган оилаларга тикув машиналари олиб бердик. Албатта, эҳтиёжманд кишилар иш қуроли билан таъминланганда улар рўзғор тебратишнинг доимий имконига эга бўлишади.

Жамоамизнинг асосий мақсади мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Ана шу ниятда мижоз банкка эмас, банк мижозга хизмат қилиши керак, деган мезонга таяниб, мижозларимиз ишончини оқлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Баҳриддин ҚИЁМОВ,
Давлат акциядорлик тижорат «Асакабанки» Қашқадарё филиали бошқарувчиси

Qilmish-qidirmish

«Спецзаказ»чи қўлга тушди

«Сирдарё вилоят давлат стандартлаштириш ва сертификатлаштириш марказининг 02.02.2007 йилги 40-45-сонли хулосаларида қовунзорга қарашли яширин цехда доимий ашё тариқасида олинган 400 гр этил спирти ва ароқ маҳсулотлари давлат стандартларига умуман жавоб бермаслиги ўз аксини топган.

Шундай қилиб, Ином Бўронов бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктирган ва қонунга хилоф равишда алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларнинг сотувини йўлга қўйган. Ушбу ҳаракатлари билан у Жиноят кодексининг 25-186-1-моддаси 2-қисми «б» бандларида кўрсатилган жиноятни содир этган».

Боёвут туман прокуратураси терговчиси Холиқ Сарибоевнинг 28.02.2007 йилдаги 31/203-сонли жиноий иш бўйича айблов хулосасидан кўчирма.

Ушбу айблов хулосаси гувоҳларнинг кўрсатмалари билан батафсил танишиб чиқарканмиз, ўзбекнинг машҳур бир мақоли ёдга тушади: «Букрини гўр тузатади». Тўғри бу нақл кўпчиликка қўпол туюлиши мумкин. Лекин наилож, биз ушбу мақолни келтиришга мажбурмиз. Чунки И.Бўронов олдин ҳам худди шу тарздаги жиноят учун жавобгарликка тортилган, тегишли тартибда жазоланган. Лекин биринчи марта бўлганлиги, қолаверса, ҳукуматимизнинг инсонпарварлик сиёсати боис жазо чораси енгиллаштирилган. Аммо... аммо «қаҳрамонимиз» бундан тўғри хулоса чиқармади.

Ўзбекнинг нимаси кўп, деган саволга кўпчилик, албатта, тўйи кўп-да, деб жавоб беради. Бу барчамизга табиийдек туюлади. Тўғри, халқимиз меҳмондўст, мард, сахий. Йиллар давомида ишлаб, заҳмат чекиб, топганини бир кунлик тўй учун сарфлаб юборади бизнинг халқимиздир. Тўй арафасидаги югур-югурлар, борди-келдиларни, «ширин ташвиш»га йўйиб қўядиган ҳам ўзбек халқи саналади.

Маҳмуд Ишонқулов ҳам кўпчилик қатори бир неча йиллардан буён фарзандларига тўй қилиш орзусида юрганди. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар билан маслаҳатни бир жойга қўйгач, тўй ташвишларига шўнғиб кетди. Ҳамма нарса тахт қилинди-ю, бир масалада боши қотди: Ароқни нима қилар экан? Ахир, бусиз тўй қилиб бўларканми?! Қолаверса, ўзи ҳам бошқаларнинг тўйида ёнбошлаб дегандай... Тўйникини тўйда қайтариш керак.

У шу ўйлар билан кираками машиналардан бирига ўтириб, туман марказига йўл олди. Манзил узоқ, таниш-нотаниш ҳамроҳлари билан гурунглашиб кета туриб, мақсадини баён қилди. Қарангки, муаммонинг ечими ҳам дарров топила қолди. Маълум бўлишича, туман марказидаги Фарҳод-2 маҳалласи Бобур кўчаси 18-уйда яшовчи Ином Бўронов уйида ароқ сотаркан. «Магазин»никидан арзон бўлиши билан бирга, завод ароқларидан ўткирликда сираям қолишмасмиш. Шундай қилиб, «тўй боши» И.Бўроновнинг эшигини «ихлос билан» тақиллатди...

Навбатдаги «мижоз»ни хушҳоллик билан кутиб олган «сотувчи» унинг мақсадини эшитиб, хурсандчилигидан терисига сиғмай кетди. Ахир оз эмас, кўп эмас, нақд 200 дона «Спецзаказ» ароғини сўраб келиб ўтирибди-я. Бундай мижоз доим ҳам бўлавермайди. Мўмай даромад дегани, бу, ахир. Шу топда И.Бўронов, бу ҳаракат жиддий қонунбузилиш ҳолатидан дарак бериши, бунга нисбатан жиноий жавобгарлик мақаррар эканлиги, қолаверса, бундай фаолиятга қарши ҳукумат қарори мавжудлиги тўғрида ўйлаб ҳам ўтирмади. Йўқ, у ҳаммасини тушунарди. Лекин нафс...

Иномбой ҳаммасига бирваракайига қўл силтади-да, «мижоз»га уч кундан сўнг келишни тайинлаб, ўзи Бекобод деҳқон бозорига йўл олди. Бозордаги нотаниш кимсадан 45 литр спиртни сотиб олди ва уйга келиб шитоб билан «буюртма»ни бажаришга тушиб кетди. Ҳа, дарвоқе, қаҳрамонимиз бу орада Сирдарё деҳқон бозорига ҳам «ташриф буюриш»га улгурди. Яъни бу ердан 326 дона ҳар хил этикетка ва шунча миқдордаги қалбаки акциз марказлари харид қилди. «Сотувчи» шу даражада «қизғин руҳ»да ишладики, айтилган муддатда ўз таъбирича «200 та завод ароғи» тайёр бўлди.

Маҳмуд Ишонқулов мини келган машинага «Спецзаказ»ни юклаб бериб, 220 минг сўмни қуртдек санаб олган Иномбойнинг қувончи кўпам узоққа чўзилмади. Чунки ароқ юкланган лиқ тўла машина туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ўтказилаётган рейдга тўғри келган ва шу боис тўхтатилганди...

Ўтказилган тезкор суриштирувлар ўз самарасини берди. И.Бўроновнинг хонадони холислар иштирокида тинтувдан ўтказилганда деярли барча ҳайратдан танг қотди. Чунки уларнинг кўз ўнгида ҳақиқийсидан сира қолишмайдиган ароқ қуйиш цехи намоён бўлганди. Кўплаб ашёвий далиллар билан бирга бу ердан яна 126 дона сотувга тайёрлаб қўйилган ароқ маҳсулотлари ҳам мусодара қилинди. Хуллас, айбдор ўз айбига тўлиқ иқрор бўлди. Суд унга яна тегишли жазо тайинлади. Лекин... лекин шу ерда бир ҳаққоний мулоҳаза пайдо бўлдики, буни муштарий билан ўртоқлашмасак бўлмас, деб ўйлаймиз.

Халқимизда яна бир яхши мақол бор: Бир болага етти маҳалла ота-она ҳисобланади. Маҳалланику, қўя турайлик, ҳатто ота-она ўз жигарбандининг не ишлар билан машғуллигини билмаслигини қандай тушуниш мумкин?! Энг ачинарлиси, И.Бўронов 28 ёшида иккинчи маротаба суднинг қора курсисига ўтиришга «улгурди». Таассуфли томони, содир этилган жиноят муқаддам қилинган қонунбузарликнинг айнан ўзини такрорламоқда. Наҳотки, маҳалла-кўй, ота-она биринчи жиноят ва унинг оқибатларидан тўғри хулоса чиқаришга айланувчини ўз вақтида ундай олмади. Бинобарин, ўзибўларчилик, боқибеғамлик, эътиборсизлик туфайли пайдо бўладиган салбий оқибатларнинг айнан бир кўриниши эмасми бу?!

Аликул ХАЙРУЛЛАЕВ,
Боёвут туман прокурори,
Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,
журналист

Saboq

Олмоқнинг бермоғи бор

Мамлакатимизда олиб борилётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, тадбиркор ва ишбилармонларга, фермерларга жуда катта имкониятлар яратилмоқдаки, бунга албатта, эртанги кунимиз истиқболи сифатида қараш ўринли бўлади.

Жумладан мамлакатимизда барча соҳадаги тадбиркорлик субъектларига фаолият юритиш учун узоқ ва қисқа муддатли кредитлар берилиши фикримизнинг исботидир. Шу ўринда мамнуният билан таъкидлаш керакки, яратилган бу қулай имконият туфайли тадбиркор ва ишбилармонлар, хусусий фирма раҳбарлари катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Банкдан кредит олган ишбилармонлар белгиланган фоизи билан давлат қарзларини тўламоқдалар. Бироқ айрим хусусий фирма раҳбарлари ҳамда тадбиркор ва ишбилармонлар олган кредитларини ўз вақтида қайтармай ҳар хил баҳона-ю найрангларни ишга солмоқдалар.

— Халқимизда олмоқнинг бермоғи бор, деган ажойиб нақл бор, — дейди биз билан суҳбатда Миллий банкнинг Каттақўрғон бўлими бошқарувчиси Ғайбулла Зоиров. — Кўпчилик ана шу ҳақиқатни унутиб қўяди чамамда. Масалан, Каттақўрғон туманида фаолият юритаётган Бўрон Рўзимуродов йиллик 20 фоиз устама тўлаш шарти билан банкдан 5 миллион сўм қисқа муддатли кредит олган эди. Мана, орадан 3 йил ўтсада, бу хусусий тадбиркор ўз қарзини қайтариш ҳақида заррача ўйламаяпти. Охир-оқибат Каттақўрғон туманлараро хўжалик суди томонидан қарзни ундириш учун тегишли чора кўрилмоқда. Шунингдек, Иштихон туманида фаолият кўрсатаётган «Ас-Анваржон» хусусий фирмасининг хурмача қилиғи эса ҳаммасидан ошиб тушди. Ушбу фирма ҳам 2004 йил 10 сентябрь куни банкдан йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан 20 миллион сўм узоқ муддатли кредит олган эди. Шартномага кўра қарз 2005 йилнинг сентябрь ойида фоизи билан тўланиши керак эди. Буни қарангки, «Ас-Анваржон» хусусий фирмаси раҳбарияти товуғу, тухумни бирваракайига еб, на банкдан олган кредитни, на устама ҳақини тўлайди. Шунингдек, «Кардинал-ХХZ» хусусий фирмаси ҳам 2004 йилнинг 22 июнь куни йиллик 30 фоиз миқдорида устама ҳақи тўлаш шарти билан банкдан 5 миллион сўм қисқа муддатли кредит олган эди. Ушбу фирма ҳам банкдан олган кредитни тўлашни хаёлига келтирмаяпти. Банк маъмурияти тегишли меъёрий ҳужжатларга кўра берилган кредитларни қайтариш учун қонуний чора кўришга мажбур бўлди. Натижада «Кардинал-ХХZ» хусусий фирмасидан банк фойдасига мулкни ҳисобидан қарзи ундириб олинди.

Шу ўринда бир ҳақиқатни эътироф этиш лозим. Айрим тадбиркорлар фаолиятини янада кенгайтириш учун эҳтиёжига яраша кредит олмоқдалар. Лекин уни қайтариш вақти келганда айрим тадбиркорларимиз ғирромлик қилишаётганлиги сир эмас.

Мақолага нуқта қўяр чоғимизда шундай тўхтамга келдик. Олмоқнинг бермоғи бор, ҳеч биримиз буни унутмаслигимиз керак!

Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Jinoyat va jazo

Нафс бандалари

ёки «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишидаги айрим талон-торожликлар ҳақида

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилиши ҳақида даврий матбуот нашрлари, радио ва телевидение орқали деярли ҳар куни ахборотларга эгамиз. Зеро, бу улкан қурилишнинг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги аҳамияти жуда салмоқлидир. Баланд тоғ чўққилари орасидан ўтувчи темир йўл бунёдкорларининг машаққатли меҳнатларига минг бор офариклар айтиш мумкин. Аммо гул тикансиз бўлмаганидек, айрим кимсалар, ана шу улкан қурилишда иштирок этаётганликлари билан фахрланиш ўрнига, ўз нафсларини тиёлмай, мўмай даромад орттириш пайига тушиб қолганликлари ачинарлидир.

Бир йўталга, икки чўтал

166-темир йўл машиналар бекати корхонасининг бошлиғи Азамат Донаевнинг хонасидаги телефон жиринглаб қолди. Телефон гўшагини кўтарган бошлиқ гўшакнинг нарёғидаги Термиз темир йўл таъмирлаш корхонасининг катта йўл устаси лавозимида ишловчи Комилжон Нормаматовни овозини таниб, у билан самимий сўрашди ва ишларининг қай даражада бораётганлигини суриштирган бўлди:

— Ишлар ёмон эмас. Белгиланган график асосида бормоқда. Лекин «Бойсун-Тангимуш» ҳудудидаги бурилиш йўлларига қўшимча равишда ўрнатиш учун 192 дона темир-бетон шпаллари керак, — деб сўради К.Нормаматов.

— Тушунарли, сиз юкни қабул қилишга ҳозирлик кўраверинг. Мен ҳозир платформа вагонларига юкланган уч вагон темир бетон шпалларни жўнатираман.

Катта йўл устасининг талаби билан «Бойсун-Тангимуш» ҳудудидаги масканга олиб келинган уч вагон темир бетон шпалларини қабул қилиб олган Комил Нормаматовнинг нияти бузилди. Сомон бировники бўлса ҳам сомонхона ўзиники-ку, деб ўйлаган Комилнинг хаёлига бундан бир ҳафта олдин Жарқўрғон туманидаги «Илёс» МЧЖнинг иш юритувчиси Шомурод Ашуралиевнинг илтимоси келди. Ўшанда Ш.Ашуралиев йўлини қилиб, 64 дона темир-бетон шпали топиб беришни илтимос қилган эди. «Йўқолганига қайғурма, топилганига қувон», деб ўйлади корхона устаси. Дарров қўл телефони орқали мижозни излаб топди ва унга вагонга юкланган 64 дона темир-бетон шпаллари темир йўл бекатида турганлигини айтиб, тезда ваъда қилинган пулларни олиб келишни тайинлади.

Шомурод Ашуралиев ҳам кўп куттирмади. Бир пасда Комилнинг ҳузурига етиб келди. Улар ҳар бир дона темирбетон шпаллни 12 минг сўмдан, жами 840 минг сўмга келишиб, хуфёна битим тузишди. «Хамир учидан патир», дея 200 минг сўм нақд пулни чўнтагига урган Комил Нормаматов Қумқўрғон темир йўл бекатида турган бир вагон шпални харидорга бериб юборди. Бу эса давлатга оз эмас, кўп эмас, роппа-роса 2 миллион 978 минг 470 сўм зарар эканини ўйлаб ҳам ўтирмади. Давлат аҳамиятига эга бўлган, элнинг назарига тушиб шу йилнинг ўзида ишга туширилиши мўлжалланган улкан қурилиш иншоотидаги бу фирибгарлик узоққа чўзилмади. Катта йўл устаси бўлмиш Комилжон Нормаматовнинг темир-бетон шпаллари бозоридаги «савдо»си касодга учраб, сири фош бўлди. Давлатга келтирилган моддий зарар тўлиқ қопланди. Жиноий ишлар бўйича Термиз шаҳар суди давлат мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган К.Нормаматовга қонун талаби асосида жазо тайинлади. Бир йўталга, икки чўтал, деб шунга айтишса керак...

Цемент «операция»си

Тошкент шаҳар Сирғали тумани «Спутник» даҳасидаги 28-уйда истиқомат қилувчи Рустам Комилов ҳам ана шу темир йўл қурилишидаги «Кўприккурилиш» трестига қарашли 13-сонли корхонада ҳайдовчи вазифасида ишлаб келаётган эди. У корхона томонидан ўзига бириктирилган «Камаз-55111» русумли юк машинаси билан Оқработ темир йўл бекатига ишга юборилди. Дастлаб, «қаҳрамон»имиз ўз машинаси билан турли қурилиш материалларини тегишли ҳудудларга, белгиланган қоидаларни бузмай ташиб юрди. Кўпчиликнинг ишончини оқлади ҳам. Дурустгина маош олиб, рўзғорининг каму кўстини битказди. Аммо жорий йил февраль ойининг сўнгги кунларида Деҳқонобод тумани ҳудудидаги «Оқработ» темир йўл бекатидан «Камаз» русумли машинага юкланган 9300 килограмм цементга ҳеч қандай ҳужжатни расмийлаштирмасдан Бойсун туманидаги Шўроб қишлоғи ёнидан ўтувчи темир йўл кўприги қурилиши томон елиб кетди.

«Дарбанд» ЙПХ масканидан ўтиб, шу маскан қаршисидаги кўприк қурилишига тўққиз тонна цементни олиб бориши керак бўлгани ҳолда, тўғри йўл туриб, эгри йўлдан юришга жазм этди. Қурилаётган кўприк ўнг томонда қолиб, чапга — Дарбанд қишлоғи томон бурилди.

«Дарбанд» ЙПХ маскани катта инспектори Ботир Абдуллаев шу йилнинг 24 февраль куни соат 20:30 лар чамаси «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишида ҳайдовчилик қилаётган Рустам Комилов бошқарувидаги цемент юкланган «Камаз» русумли машинани маскандан ўтказиб, унинг йўналишини кузатиб турди. Чунки, ЙПХ масканининг қарама-қаршисида бунёд этилаётган янги кўприк қурилиши шундоқ кўриниб туради. Ҳушёр ва тажрибали инспектор Ботир Абдуллаев ҳайдовчининг боягина ўтказилган кузатувда сал ташвишланганини сезган эди. Шу сабаб бўлса керак, «КамАЗ»нинг кўприк қурилиши бўйёқда қолиб, Дарбанд қишлоғи томон бурилгани, инспекторнинг эътиборини тортди.

Дарбанд қишлоғи марказида истиқомат қилувчи якка тардбиркор Азиз Жумақулов ўз хонадони ёнидаги дўкончасида савдо қилаётган эди. Рустам Комилов машинасини дўкон ёнида тўхтатиб, унинг ёнига кирди. Тадбиркор билан сўрашган бўлиб:

— Дўстим, мабодо цемент керак эмасми? Нархи ҳам унча қиммат эмас. Машинамда 9 тоннадан ошиқ цемент турибди, арзонга сотмоқчиман, — деди ҳайдовчи.

— Кўриб турибсиз, уч кундан буён ёмғир ёғаяпти. Бунча цементни қаерга жойлаштираман, — дея нархи арзон ўғирлик цементдан воз кечди дўкон мудири.

— Ундай бўлса сиздан илтимос, шу атрофдаги қўшниларингизни суриштириб, харидор топиб берсангиз, — илтимос қилди Рустам яна.

Бу пайт Дарбанд ЙПХ маскани ходимлари «Дамас» машинасида келиб, машина ҳайдовчисининг бу ерларда нима қилиб юрганлигини суриштирган бўлишди:

— Сигарет олгани кирган эдим, – бамайлихотир жавоб қилди ҳайдовчи.

— Цементни қаерга олиб бораяпсиз? — сўради назоратчилар.

— Дарбанд ҳудудидаги кўприк қурилишига, — жавоб қилди Рустам Комилов.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг тергашлари Рустамни анча хавотирга солиб қўйган эди. Шу сабаб орқага қайтишда машинасига ортилган цемент маҳсулотига ёнида олиб юрган, аммо муҳр босилмаган юк хатига жавобгар шахслар ўрнига ўзи имзо чекиб, қалбаки ҳужжат тайёрлади. Дарбанд ЙПХ маскани инспектор Ботир Абдуллаев содир этилаётган цемент «олди-сотди»сидан бохабар эди. Ҳужжатларнинг қалбакилиги эса инспекторнинг гумонларини тасдиқлади. Шунинг учун у «КамАЗ»ни жарима майоднига киритиб қўйишни талаб этди ва керакли жойларга бу ҳақида хабар юборди. Хуллас, кўприк қурилишига мўлжалланган 9 тоннадан ошиқ цементни арзон нархда пуллаб, чўнтакни қаппайтирмоқчи бўлган ҳайдовчининг қилмишлари гувоҳлар иштирокида расмийлаштирилиб,' тегишли органларга тақдим этилди. Энди Рустам Комилов ўз қилмиши учун суд олдида жавоб беради.

Тухумнинг оқини оқлаб е, сариғини сақлаб е, дейдилар. Ана шундай улкан темир йўл қурилишида нафсини тия олмай, мўмай пул топиш йўлига кирган кимсалар ўз қинғирликларининг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлишини ўйлаб иш тутсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Тил билан тикан тортиб бўлмаганидек, ўғирлик ёки қинғир йўл билан бойиб бўлмайди. Афсуски, мақоламиз қаҳрамонлари ана шу оддийгина ҳақиқатни англаб етмаганлари боис, элюрт олдида юзлари шувут бўлиб қолишди.

Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Адлия вазирлиги жамоаси Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси Искандар Раҳимовга падари бузруквори

ТОШБУЛ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Содиқов Ҳуршид Махмасиддиқович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Дилфуза РАҲИМБЕКОВА
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-315. Тиражи — 4098.
Босишга топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 2200

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
1 2 3 4 5